Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 ноябрь, шанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 223 (971)

## ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

**11 ноябрь. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад Шариф Киевдан хабар қилади).** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Украинага ташрифининг биринчи куни ниҳоятда самарали бўлди. 10 ноябрь куни Мариин саройида ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида давлатлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги баённома, Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама солиқ олмаслик ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Мазкур ҳужжатларни мамлакатимиз Президенти И. Каримов билан Украина Президенти Л. Кучма имзоладилар.

Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари ўртасида 1995 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга эса республикамиз Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин билан Украина Бош вазирининг ўринбосари В. Пензиник имзо чекдилар.

Шу куни Ўзбекистон ва Украина ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов билан Г. Удовенко Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Украина Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик дастурига имзо қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Киевга ташрифининг иккинчи кунида Украина Республикасининг машинасозлик, ҳарбий саноат мажмуаси ва конверсия вазири В. Петровни қабул қилди. Дўстона суҳбат чоғида машинасозлик саноати соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари борасида фикрлашиб олинди,

Шундан сўнг Ислом Каримов Украинадаги йирик саноат бирлашмаси — О. Антонов номидаги авиация илмий-техник мажмуасига ташриф буюрди. Украина иқтисодиётида катта ўрин тутадиган ушбу бирлашма билан ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам фойда келтириши шубҳасиз. Мажмуа билан танишиш мобайнида ана шу ҳамкорлик имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ташриф ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма иштирокида хорижий ва маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда икки давлат раҳбарлари журналистларнинг Ўзбекистон-Украина алоқалари ривожига оид саволларига жавоб қайтардилар. Тушдан сўнг Мариин саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина пойтахтидан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).





Сирдарё вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоаси "Иқтисод" дастурини тайёрлашиб уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишди. Унга кўра корхона янги ускуналар билан қайта жиҳозланди. Натижада асбобларнинг бир меъёрда ишлаши таъминланди. Яқинда бу ерда марказлашган таъмирчилар бригадаси ҳам иш бошлади. Токарлик, трансформаторларни таъмирлаш цехлари ва кимё лабораторияси ишга тушгач қўл меҳнати анча озайди.

СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари С. Дониёров, тақсимловчилар З. Мамбетова ва Л. Хегай; корхона кўриниши.

**Б. ТЎРАЕВ тасвири.**

## ЯНГИЛИКЛАР

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар**

### ЎЗБЕКИСТОН

• Тошкент автомобил йўллари институти олимлари Чирчиқдаги "Электркимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам ишлаб чиқариш чиқитларидан, қувурларни занглашдан сақлаш учун ишлатиладиган изолятор тайёрлашди. Олимлар атроф муҳитга катта зарар етказаётган чиқитларни қайта ишлаш усулини топибгина қолмай, эндиликда ундан самарали материал олиш йўлларини ҳам ишлаб чиқишди.

**• Қўриқ Жиззахнинг Зафаробод тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасига етди. Чўлқуварлар Ватан хирмонига 30 минг тонна пахта топширдилар.**

**Туманда ҳосилни техника ёрдамида йиғиштириб олишга алоҳида эътибор берилди. Мавжуд 290 та терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 90 тоннадан пахта теришга эришилди.**

• Боғот тумани ҳудудида Хоразм вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи бешта, туман кенгашига сайлов ўтказувчи ўттизта сайлов округи тузилган. Бу ерда вилоят кенгаши депутатлигига беш нафар, туман кенгаши депутатлигига эса эллик нафар номзод кўрсатилди. Номзодлар орасида ишчи-хизматчилар, жамоа хўжаликларининг аъзолари, етакчи мутахассислар, раҳбар ходимлар, зиёлилар бор.



**Наманган шаҳрининг "Иттифоқ" маҳалласида очилган тикувчилик цехи атроф аҳолисининг оғирини енгил қилди. Маҳалла хотин-қизларининг аксарияти корхонада ишлаяпти.**

**СУРАТДА: цех бошлиғи Х. Асқаров ва чевар Н. Юнусова.**

**• Андижондаги дастлаб ташкил этилган гимназияда алифбо байрами бўлди. Биринчи синфда ўқиётган кичкинтойлар умумий таълим мактабларидаги тенгдошларидан уч ой аввал алифбо китоби билан хайрлашдилар.**

**Гимназияда таълим беришнинг афзаллиги ҳам ана шунда, дейишаяпти мутахассислар. Бу ерда ўқишга оддий мактаблардагидан фарқли равишда ўқишни, санашни ва мантиқий фикрлашга, мулоҳаза юритишга мўлжалланган вазифаларни ҳал қилишни биладиган болалар қабул қилинади.**

### ЖАҲОН

**• РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Эрон ҳарбий ҳаво кучлари Ироқ ҳудудида жойлашган мухолифатдаги Эрон халқи мужоҳидлари ташкилоти (ЭҲМТ) қароргоҳларини бомбардимон қилди. ИРНА ахборот маҳкамаси ушбу бомбардимонни амалга оширган барча самолётлар ўз қўналғасига қайтиб келганини маълум қилди.**

• ХХРнинг шарқида жойлашган Уцзин тумани мамлакатда дарё марваридларини энг кўп йиғаётган маскандир. Бу ерда жорий йилда 500 тонна марварид тўпланди.

Октябрь ойида ўлат касали Ҳиндистон экспортига 600 миллион доллар зарар етказди. Мамлакат савдо вазири журналистлар билан учрашувда юқорида қайд этилган рақамларни келтирди.

**• Америка Қўшма Штатлари конгрессининг вакиллар палатаси собиқ аъзоси Керол Хаббар уч йил қамоқ жазосига ва 153 минг доллар жарима тўлашга ҳукм қилинди. Унинг бундай жазога тортилишига давлат хазинасидаги пулларни шахсий мақсадлари учун ишлатгани сабаб бўлди.**

• Япония ҳукумати Жанубий Курил ороллари аҳолисига қўшимча ёрдам бериш масаласини кўриб чиқмоқда. 4 октябрдаги кучли зилзила сабабли бу ердаги аҳоли катта талофат кўрган эди.

**• Тайван маъмурияти Пекиннинг замонавий қуролланган қўшинидан ортда қолмаслик ниятида ҳарбий бюджетини оширишни режалаштирмоқда. Ҳарбий бюджет келгуси йилда 15,5 миллиард Тайван долларига ошади. Ҳарбий мақсадларга ажратилган жами харажат илк бор 266 миллиард долларга етади.**

• Америка Қўшма Штатлари собиқ президентининг катта ўғли Ж. Буш Техас штатининг губернатори этиб сайланди. 53 фоиз сайловчилар унга овоз беришди. Унинг рақибаси Энн Ричардс эса 46 фоиз овоз олди.

**• Хиос шаҳри яқинида Греция ҳарбий ҳаво кучларининг "Мираж" ҳарбий самолёти ҳалокатга учради. Учувчи шаҳар бандаргоҳидан 500 метр нарига қулаб тушган ва шу заҳотиёқ ҳалок бўлган. Бу шу йилги Греция ҳарбий ҳаво кучларидаги учинчи ҳалокатдир.**

*• Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан*

## ОТАЛАР ЖАСОРАТИ ФАРЗАНДЛАРГА ИБРАТДИР

**1941—1945 йилларда фашизмга қарши жангларда миллионлаб ўзбекистонликлар ҳам жасорат кўрсатишди. 391 ҳамюртимизга ўша пайтдаги энг олий — "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилди, минглаб фарзандларимиз эса кўкракларида қўша-қўша орден ва медаллар билан қайтишди. Аммо 400 мингга яқин ҳамюртимиз жангларда ҳалок бўлди.**

**Юртимиз аҳли фронт ортидаги меҳнати билан ҳам Ғалабага улкан ҳисса қўшди.**

Сир эмас, сўнгги пайтларда баъзилар бу урушга тамомила бошқача тўн кийдириб, унинг қатнашчиларига нисбатан аллақандай истеҳзо билан қарай бошлашган, бу эса уларнинг ҳали юракларида битиб улгурмаган яралар — уруш асоратини яна тирнар, дилга чексиз озор берарди.

Ва шу боис юртбошимизнинг Ғалабанинг 50 йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш, уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилишганларни, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларини эъзозлаш, улар учун янги имтиёзлар яратиш хусусидаги фармонлари нафақат собиқ жангчилар, уларнинг қариндош-уруғлари ва бутун халқнинг руҳини тоғдек юксалтирди.

Ва мана бир неча ойдирки, мустақил Ўзбекистонда бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилаётир. Мамлакатимиз Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилик қилаётган ташкилий қўмитага қатор вазирлигу, идоралар, жамоат ташкилотлари-ю, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари киритилган. Қўмита аъзолари мунтазам равишда йиғилиб, амалга оширилаётган ишларни, бу борадаги камчиликларни таҳлил қилиб туришади.

"Халқ сўзи"нинг кечаги сонида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ана шундай йиғинларнинг бири ҳақида ахборот берилди. Ушбу мақолада эса юртимизда Ғалабанинг ярим асрлик кунига қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гапирмоқчимиз.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши (раиси Бектош Раҳимов), Давлат матбуот қўмитаси (раиси Рустам Шоғуломов) ҳамкорлигида "Хотира" туркумида саккизта китобни нашрдан чиқарди. Ушбу туркум жами 33 та китобдан иборат бўлиб, уларнинг тўлиқ нашри 1995 йил апрелида тугалланади. Бу асарларда жангларда ҳалок бўлишган барча ўзбекистонликлар ҳақида архив маълумотлари тўпланган бўлади. Таниқли кинорежиссёр, ўзи ҳам бир қўлида камера, иккинчи қўлида автомат тутиб жангларда иштирок этган Малик Қаюмов эса ҳамюртларимизнинг урушдаги матонату жасоратларига бағишлаб, иккита фильм тайёрлаяпти. Маданият ишлари вазирлиги ўша жанг мавзуига бағишланган драматик асарлар танловини ўтказаяпти. Фахрийлар кенгаши билан Мудофаа вазирлиги (вазир — Рустам Аҳмедов) вазирликнинг Марказий музейида ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонлигини акс эттирувчи экспонатлардан иборат махсус заллар ташкил қилаяпти. Шунингдек Ўзбекистон халқлари тарихи музейида ҳам худди шундай хоналар "фаолият" кўрсата бошлайди.

Ўзбекистон "Ёдгорлик" жамияти (раиси Нуриддин Муҳиддинов)нинг ташаббуси билан 1991 йилда жамият қошида махсус қўмита тузилган бўлиб, унинг аъзолари фронтларда жон бериб, ўша ерда кўмилган ва исму шарифлари номаълум жангчиларимизнинг қабрларини топиб, номларини тиклаш ишларини олиб бораётир. Унинг фаоллари уч йил давомида 1184 нафар жангчимизнинг номларини тиклашди. Яқинда улар Смоленск вилоятида 24 нафар аскаримизнинг хокларини топиб, исм-шарифларини аниқлаб, жаноза ўқидилар.

Республика ижтимоий таъминот вазирлиги (вазир Баҳодир Умурзоқов) Фахрийлар кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда, уруш ногиронлари учун баҳоли қудрат имтиёзлар яратмоқда. Вазирликка қарашли корхоналарда шу яқин ўртада ногиронлар учун аравачалар ва протезлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Маълумки, банкда "Ғалаба" ҳисоби очилган бўлиб, унга тушадиган хайрия пуллари урушда яқинларини йўқотишган оилаларга сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача бу ҳисобга юз минг сўм ўтказилди. Бунга "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни (бош директори И. Шоғуломов), "Ўздавпахтасаноатсотиш" уюшмаси (раиси Э. Зикриев), "Ўзқурилишматериаллар"и концерни (раиси А. Ибобеков), "Совпластитал" қўшма корхонаси (бошлиғи А. Мелкумов) ва бошқа ташкилотлар катта ҳисса қўшди. Ҳатто бюджет ҳисобидаги жамоалар (масалан, республика Олий суди минг сўм ўтказган) ҳам бу эзгу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилишаяпти. Аммо афсуски, қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳалигача ҳатто бир тийин ҳам чиқаргани йўқ.

Президентимиз Фармонига асосан уруш қатнашчиларига "Жасорат", фронт ортида хизмат қилганларга "Шуҳрат" медаллари берилаяпти. Кўпчилик маҳаллий ҳокимиятлар уларни топшириш маросимини байрамона, кўтаринки бир руҳда уюштираётган бўлса, айрим жойларда бу ишга ўта совуққонлик билан қарашаяпти. Фахрийнинг уйига ҳокимиятнинг бир, кўпи билан эса икки нафар вакили бориб, "манг, олинг" қабилида топшириб қайтаяпти. Уруш қатнашчилари хотирасига қатор туманлар, хўжаликларда ўрнатилган кўплаб ҳайкаллар, ёдгорликлар аллақачон таъмирталаб бўлиб қолган, аммо жойлардаги раҳбарлар бунга бефарқ қарашаяпти...

"Байрамгача ҳали вақт бор-ку" деб ўтираверсак, кўп ишлар чала қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Фашизм балосини даф этиш йўлидаги инсоний бурчини ўташган ҳамюртларимизнинг руҳларини шод этишдек эзгу юмушдан ўзини четга уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

## УЮШМАНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озиқ-овқат саноати давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ унинг негизида ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари уюшмаси — "Ёғмойтамакисаноат" ва қандолат, чой, алкоголсиз ичимликлар саноати корхоналари уюшмаси — "Озиқовқатсаноат" тузилди.**

**11 ноябрь куни Тошкентда "Озиқовқатсаноат" уюшмасининг таъсис конференцияси бўлди, унда бошқарув раиси ва аъзолари, тафтиш комиссияси сайланди, таъсис шартномаси тасдиқланди, низом қабул қилинди.**

Конференцияда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Республикада амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари кўпгина ижобий натижалар бераётгани таъкидлаб ўтилди. "Озиқовқатсаноат" уюшмасида мулкчилик шакллари ўзгартирилмоқда ва корхоналар қайтадан тузилмоқда, қандолат маҳсулотлари, чанқовбосди ичимликлар ва пиво ишлаб чиқариш кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди, хусусан қўшма корхоналарда жаҳон андозаларига мос келадиган ичимликлар чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар камайди, тармоқ ходимлари иш ҳақи 10-15 фоиз кўпайди.

Бироқ ҳозирги куннинг талаблари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги вазиятга янгича назар билан қарашга мажбур этмоқда. Бозор иқтисодиётининг ўз қоидалари мавжуд. Шу қоидалардан муҳимлари корхоналарнинг хомашё, материаллар, маблағ билан ўзини ўзи таъминлаши, мутахассислар тайёрлашидир. "Озиқовқатсаноат" уюшмасининг айрим корхоналари бу мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўлларини топмоқда. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди. Чунончи, Қибрай, Андижон, Фарғона ва Қаршидаги чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқараётган корхоналарда, Бухоро, Самарқанд пиво заводларида кўрсаткичлар пасайиб кетгани қайд этилди. Тошкентдаги шишаларга минерал сув қуядиган завод ва Нукус пиво з води ҳам қолоқ корхоналар қаторига тушиб қолди.

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё тайёрлаш чоғида жуда кўп камчиликларга йўл қўйилдики, оқибатда айрим корхоналарда ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетди. Бу, айниқса, Олмалиқ ва Тошкент қандолат фабрикаларига, Чортоқдаги озиқ-овқат концентратлари ишлаб чиқарадиган тажриба заводига тааллуқлидир. Бу заводда озиқ-овқатда ишлатиладиган бўёқлар ва пектин тайёрлаш тўхтатиб қўйилди. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида ишда узилиш бўлаётгани, айрим озиқ-овқат саноати корхоналарида сифатсиз маҳсулот чиқарилаётгани қайд этилди. Давлат метрология ва стандартлар қўмитаси бундай маҳсулотларни сотишга уринишга чек қўйди. Айбдорлар жазоланди. Лекин кўп жойларда бундан тегишли хулоса чиқариб олинмади. Шу боисдан технология ва молия интизомини бузиш, корхоналарни қайта қуриш ва ривожлантиришга, ходимларни тайёрлашга эътиборсизлик ҳоллари учрамоқда.

Таъсис конференциясида "Озиқовқатсаноат" уюшмасининг тузилиши тармоқдаги салбий ҳолатларни бартараф этишга имкон беради, деган ишонч билдирилди. Бунинг учун ишга муносабатни тубдан ўзгартириш, давлат топшириқларини сўзсиз бажариш, илғор технологиядан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш зарур. Ўзаро фойдали шартлар билан сармояларни фаолроқ жалб этиш, янги қўшма корхоналар барпо қилиш, мавжудларини мустаҳкамлаш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, фирма савдосини, илмий-техникавий ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, хомашё ва материаллар билан таъминлаш муаммоларини самарали ҳал этиш лозим. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни, очиқ тусдаги акционерлик жамиятлари тузишни тезлаштириш бу вазифаларни бажаришнинг асосий омилларидан биридир.

(ЎзА).

## "ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ" УЮШМАСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

11 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Гўшт-сут саноати давлат акционерлик уюшмаси ("Ўзгўштсутсаноат") нинг таъсис конференцияси бўлди. Унда уюшма бошқарувининг раиси ва аъзолари, уюшма кенгаши, тафтиш комиссияси сайланди, таъсис шартномаси тасдиқланди, низом қабул қилинди.

Конференцияда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда тармоқда мол-қўйларни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан иш олиб борилаётгани таъсис конференциясида таъкидлаб ўтилди. Аҳолини гўшт ва сут билан муқим таъминлашда давлат гўшт-сут саноатига катта ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ҳукумати ана шу мақсад учун катта сармоя ажратмоқда. Республика ташқарисидан кўп миқдорда қорамол ва қўй бошқа маҳсулотларга алмаштирилиб олиб келинмоқда.

Сут саноати корхоналарида сўнгги икки йил ичида ёғсиз сут, зардобдан маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўнлаб корхоналарда пишлоқ, айрим вилоятларда қаттиқ пишлоқ ишлаб чиқарилмоқда. Шу йилнинг ўзида аҳолига 3 минг тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулотлар сотилди. Келгуси йилда бундай маҳсулотлар ҳажми икки баравар кўпайтирилиши керак.

Тармоқда чорвачиликни самарали юритиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида, республиканинг айрим саноат мажмуаларида ва хўжаликларида молларнинг камайиб кетиши қайд этилган, бу эса гўшт ишлаб чиқаришга таъсир қилмай қолмайди. Мустаҳкам озуқа базасини яратишда, наслчилик ва селекция ишларида жиддий нуқсонлар бор.

Таъсис конференциясида бошқа долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди. Республика аҳолисини гўшт-сут маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун тезда ҳал этиш лозим бўлган вазифалар белгиланди.

(ЎзА).

